

## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил июль ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман сайёр суд мажлиси, Қизилтепа тумани “Работ” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Авезов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизилтепа туман прокурори ўринбосари Ж.Халиков, судланувчи Б.Идиевнинг химоячиси “Lex Ash” адвокатлик фирмаси адвокати О.Рахматовнинг иштирокида Идиев Бехруз Истам ўғлига нисбатан 1-2105-2501/74-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Идиев Бехруз Истам ўғли (Idiyev Behruz Istam o'g'li)**, 1995 йил 13 июнда Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Бухоро Давлат Техника Университетининг 5-босқич талабаси, Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси “Ўртабулоқ-Денгизкўл” нефть ва газ конлари мажмуаси метрология назорат ўлчов асбоблари таъмирлаш ва ишлатиш бўйича етакчи муҳандис, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қизилтепа тумани, “Работ” МФЙ, “Манзилобод” кўчаси, 345-уйда яшайди, иш бўйича “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 29.05.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.Идиев, ғаразли ёки бошқа паст ниятларни кўзлаб, интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Telegram” ижтимоий тармоғида ўзига тегишли 91-986-68-71 абонент рақами орқали “Behruzjan” номли профиль яратиб, ушбу профиль ёрдамида танишлари билан ёзишмалар олиб бориш билан бирга, диний мазмундаги маърузаларни эшитиб, уларнинг таъсирига тушиб, маърузаларда келтирилган фикр ва ғояларни қўллаб-қувватлаб, уларга хайрихоҳлик билдириб, ўзи яратган профилдан диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек динда мавжуд тушунча ва эътиқодларни замон ва макон ҳолатларини инобатга олмасдан, бугунги кунга кўр-кўрона мутаассиблик билан тарғиб қилишга қаратилган диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш мақсадида, 2023 йилнинг 18 февраль куни соат 15:40да ўзига тегишли “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “Behruzjan” номли профилига кириб, аъзо бўлган “Zarmetan city” номли гуруҳга ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган,



“Ахи-анта хур” (биродар сен озодсан маъносини билдиради) номли “тўғон ортида занжирбанд биродари озод экани, Аллоҳдан паноҳ сўраганида бандаларнинг фитнаси, таъсир қилмаслиги, зулмат кўшини мағлуб бўлиши, оламга янги нур сочиши, узоқдан нур сочилгани кўринаётгани, рухнинг нур сочишига имкон бериш, золимлар тақводор мусулмонни қанчалик азоблаб қамокқа ташламасинлар у агар барча ишларда аллоҳга суянса озод бўлиши, биродари кўлига камон ўқи тегиб, қонагани сабр қилиш кераклиги курашдан тўхтаб кўллари туширмаслик болтасини ўтқирлаб, илонларнинг бошини янчиши, урушдан толиқмагани, қуролни қўймагани, башар ўлса шаҳид бўлиши, шонли ғалаба сари юриши, бу йўл учун улар танлангани, улар орасида ўлганлар ҳам борлиги, уларни йўли қон билан белгилангани, осмондан бошқа жойга қарамаслиги, қон овози эшитаётгани, дин йўлида қасос олиши, бу йўлда одамлар устидан ғалаба қозониши, ўлимсизлар олдига бориши мазмунидаги фикрлар ифодаланган нашидани ташлаб бериб, мазкур гуруҳга аъзо бўлган 3180 нафар аъзоларига интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитасининг 17.10.2024 йилдаги ПТ-3349-сонли хулосасига кўра, И.Идиев томонидан “Zarmetan city” номли гуруҳга юборган “Ахи-анта хур” (биродар сен озодсан маъносини билдиради) номли маъруза ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилгани, мазкур маърузани Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, тарқатиш ва хориждан олиб кириш тақиқлангани аниқланган.

Шунингдек, Б.Идиев мазкур жинойт хатти-ҳаракатлари билан жавобгарликка сабаб бўлувчи бир қатор қонун ва қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида, давлат турли динларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси, (жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги)да қонунга хилоф равишда ижтимоий онга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслиги;

Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 йилдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 121-моддаси (ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиши)да веб-сайтнинг ёки веб-сайт саҳифасининг эгаси веб-сайт саҳифасидан терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймаслиги, шунингдек веб-сайт саҳифасининг эгаси веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шартлиги;



Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддаси (*экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш*ни тақиқлаш)да Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланишлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ва диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олингандан кейин амалга оширилиши керак деган қатъий белгиланган талабларини қўпол равишда бузишга йўл қўйган.

Судланувчи Б.Идиев судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, диний амалларни бажаришни у тахминан 2010 йилларда, яъни мактабда ўқиб юрган вақтидан қисман адо этиб келиб, ўша вақтдан у “Жума” намозларини бажариш мақсадида туманнинг “Работ” маҳалласидаги масжидга бориб турганлигини, намоз ўқишни отасидан ўргангани, анча йилдан буён ўзини телефон орқали интернетдаги “Telegram” ва “Instagram” ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб келишини, у “Telegram” мессенджерда 2020 йилда рўйхатдан ўтган “Bexruzjan” деб номланган профиль яратиб, ушбу профиль орқали танишлари билан ёзишмалар олиб борганлигини, диний қизиқишлари сабабли у ушбу тармоқлар орқали “Шукрулло домла”, “Аброр Мухтор Али” ва бошқа диндорларнинг диний маърузаларини тинглаб келганлигини, профили ёрдамида диний мазмундаги маърузаларни танишларига улашиш мақсадида ташлаб берган вақtlари ҳам бўлганлигини, 2024 йилнинг 14 октябрь куни уни ИИБ ходимлари “Работ” маҳалласи биносига чақириб, кейин ўзлари билан Қизилтепа туман ИИБга олиб келганликларини, у ерда ИИБ ходимлари мутахассис ва холисларни иштирокида фойдаланиб келган “Samsung Galaxy A31” русумли қўл телефони кўздан кечирганликларини, кўздан кечириш давомида телефонидаги “Telegram” ижтимоий тармоқдаги номида бўлган 91-986-68-71 абонент рақамига очилган “Bexruzjan” деб номланган, таржимаи ҳол “Alloh buyuk!!!!!!” бўлган профили мавжудлиги аниқланиб, ушбу профиль орқали аъзо бўлган гуруҳлар орасида “Zarmetan city” номли гуруҳга кирилгани, ушбу гуруҳнинг 3180 та аъзоси бўлиб, гуруҳга унга тегишли 91-986-68-71 абонент рақамига очилган “Bexruzjan” деб номланган профилидан 2023 йилнинг 18 февраль куни соат 15:39да “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” деб номланган, давомийлиги 5:49 дақиқа бўлган аудио файл ташлаганлиги аниқлангани, у ҳақиқатда ҳам



“Vexruzjan” номли профили ўзининг номимда бўлган 91-986-68-71 абонент рақамига 2020 йилда очгани ва ҳозирги кунга қадар ўзи ишлатиб келаётгани, “Zarmetan sity” номли гуруҳга тахминан 2 йиллар олдин аъзо бўлиб, “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” деб номланган, давомийлиги 5:49 дақиқа бўлган аудио файлни ўзи ташлаганлигини, сўнгра ИИБ ходимлари холислар иштирокида ундан “Samsung Galaxy A31” русумли телефон апаратини текшириб кўриш мақсадида расмийлаштириб олганликларини, ҳолат юзасидан расмийлаштирилган баённома ИИБ ходимлари томонидан иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирилгани ва улар имзолаб берганликларини, ушбу “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” номли аудио файлни “Telegram” тармоғида мавжуд бўлган аудио файллар юклаб олинувчи ботдан юклаб олиб, ўзига ёққанлиги сабабли “Zarmetan sity” номли гуруҳга тарқатганлигини, унда мазкур нашидани гуруҳ аъзоларига жўнатишда бирор-бир ғараз ёки кимнидир йўлдан уриш мақсади бўлмагани, қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини, содир этган жиноятини салбий оқибатларини тўлиқ англаб етганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан ўзига нисбатан енгил жазо тайинлаб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Б.Идиевнинг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш, яъни диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш ва ушбу ҳаракатларни Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатишда ифодаланган жиноятни содир қилганликдаги айби, суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида тўпланган қуйидаги далиллар, яъни:

гувоҳ С.Шариповнинг судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, тахминан 5 йилдан буён ўзига тегишли 91-407-74-01 рақамидаги “Telegram” ижтимоий тармоғида “Akobir Axadov” деб номланган профиль орқали кириб, ушбу мессенджердан фойдаланиб келишини, 2021 йилнинг 25 апрель куни таниши Шарипов Сирож билан биргаликда туманнинг “Зарметан” ҳудудида яшовчи фуқаролар учун “Telegram” ижтимоий тармоғида “Zarmetan sity” номли гуруҳ очганликларини, ҳозирги кунда ушбу гуруҳнинг эгаси у бўлиб, гуруҳни 3187 нафар аъзоси бор эканлигини, гуруҳни админи Шарипов Сирож, Азиз ва Алижон эканлиги, 2024 йилнинг 15 октябрь куни уни ИИБ ходимлари туман ИИБ биносига келишини айтганликлари, у ерга борганидан сўнг ИИБ ходимлари ундан ушбу ижтимоий тармоқда Б.Идиевга тегишли 91-986-68-71 абонент рақамига очилган “Vexruzjan” деб номланган профиль орқали 2023 йилнинг 18 февраль куни “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” деб номланган, давомийлиги 5:49 дақиқа бўлган аудиофайл “Zarmetan sity” номли гуруҳга ташлангани ҳолати юзасидан сўраганликларини, ҳақиқатда ҳам 2023 йилнинг 18 февраль куни “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” деб номланган аудио файл “Zarmetan sity” номли гуруҳга Б.Идиев томонидан ташлангани, унинг мазкур нашидани тақиқланган эканлигидан хабари йўқлигини, 2023 йилда унга Б.Идиев ушбу гуруҳга админ қилиб қўйишини сўрагани сабабли уни гуруҳга админ қилиб қўйганлигини, кейинчалик эса Б.Идиев томонидан гуруҳга



турли хил диний мазмундаги материалларни жуда кўп ташлагани сабабли уни гуруҳ админлигидан чиқариб ташлаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ У.Холовнинг судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, ҳозирги кунда Қизилтепа тумани, 9-сонли умумий ўрта таълим мактабида информатика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётганлигини, 2024 йилнинг 14 октябрь куни уни Қизилтепа туман ИИБ ходимлари чақириб, бир ишда мутахассис сифатида иштирок этишини сўраганликларини, кейин у иштирок этишга рози бўлгач уни ИИБ ходимлари ўзларини хизмат хоналарига олиб борганликларини, кейин ИИБ ходимлари икки кишини холис сифатида таклиф қилишиб, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, уларни иштирокида ўзини Идиев Бехруз Истам ўғли деб таништирган кишини “Samsung Galaxy A31” русумли қўл телефонини кўздан кечирганликларини, кўздан кечиришда телефон аппаратини махсус график пароли теришиб, “Telegram” иловасига кирилганда, ушбу ижтимоий тармоқда Б.Идиевга тегишли 91-986-68-71 абонент рақамига очилган “Bexruzjan” деб номланган, таржимаи ҳол “Alloh buyuk!!!!!!” бўлган профили мавжудлиги, ушбу профиль орқали аъзо бўлган гуруҳлар орасида “Zarmetan city” номли гуруҳга кирилганда ушбу гуруҳнинг 3180 та аъзоси бўлиб, ушбу гуруҳга Б.Идиевга тегишли абонент рақамига очилган “Bexruzjan” деб номланган профилдан 2023 йилнинг 18 февраль куни соат 15:39да “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” деб номланган, давомийлиги 5:49 дақиқа бўлган аудио файл ташланиб, гуруҳ аъзолари орасида тарқатилгани аниқлангани, сўнгра ИИБ ходимлари ушбу аниқланган ҳолат юзасидан Б.Идиевдан изоҳ сўраганларида у 91-986-68-71 абонент рақамига очилган “Bexruzjan” номли профилни 4 йил олдин очиб, ўзи ишлатиб келаётгани, “Zarmetan city” номли гуруҳга “Умар красивый нашид Ахи анта Хьур...” деб номланган аудио файлни ўзи ташлаганлигини айтганлиги, кейин ИИБ ходимлари уларни иштирокида Б.Идиевга тегишли “Samsung Galaxy A31” русумли қўл телефон аппаратини текшириб кўриш мақсадида расмийлаштириб олганликларини, ҳолат юзасидан расмийлаштирилган баённома ИИБ ходимлари томонидан иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирилгани ва улар имзолаб берганликлари ҳақидаги кўрсатуvidан ташқари;

суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Б.Идиевнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, суд мажлисида текшириб чиқилган ва ошқора ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бўлган Қизилтепа туман ИИБ ТҚХ ТҚКГ тезкор вакили Л.Ҳусеновнинг туман ИИБ бошлиғи номига ёзган билдиргиси (и.в. 8-9);

- Б.Идиевга тегишли телефон аппарати ҳамда шахсий интернет саҳифасини кўздан кечириш баённомаси, илова фотосуратлари (и.в. 12-16);

- тадқиқот қисмининг 2-бандида кўрсатиб ўтилган файллардаги маълумотлар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилгани тўғрисида



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 17 октябрдаги IT-3349-хулосаси (и.в. 49-50) ҳамда тергов органи томонидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинган А.Ахтамов, Д.Каримов ва Л.Хусеновнинг тергов жараёнида берган кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, ушбу далилларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси талабига мувофиқ баҳолаб, ҳар бирини ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб, уларни йиғиндисини эса ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилинган жиноятни содир этишда Б.Идиевни айблаш учун етарли деб топади.

Юқорида кўрсатилган барча далиллар жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ олинган бўлиб, дастлабки терговда Б.Идиевнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиб, тергов ҳаракатлари адвокати иштирокида ўтказилган.

Шунингдек, суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан гувоҳ А.Ахтамов, Д.Каримов ва Л.Хусеновнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Суд, юқорида келтирилган далилларни муҳокама қилиб, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва мавжуд кўрсатувлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қароридаги тушунтиришидан келиб чиқиб, суд уларни тўлиқ асосли ва холисона деб баҳолаб, судланувчининг айби тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи Б.Идиевнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” банди, яъни ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, тарқатиш ва олиб кириш тақиқланган материалларни интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатганлик жиноятини содир қилганликда тўғри квалификация қилган.

Суд, судланувчи Б.Идиевнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчига жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қўйидагича тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида қайд этилган, Инсонпарварлик принципининг жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги;



8-моддасида эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида эса, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги;

37-бандида эса, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Б.Идиевга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, ёшини ва шахсини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчи бўлиб, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, иш ва яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, муқаддам судланмагани, содир қилган жинояти оғир оқибатларга олиб келмаганлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, шунингдек, суд келгусида бундан-да оғир оқибатларни олдини олиш, ҳуқуқий тарбиявий жиҳатларини ҳамда суд қарорини шаффофлигини таъминлаш мақсадини ҳам кўзлаб, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан, адолат, инсонпарварлик, қонунийлик тамойилларига риоя қилиб ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унинг қилмиши квалификация қилинган модда санкциясида назарда



тутилмаган бошқа энгилроқ озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 203 ва 211-моддалари мазмунига кўра, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамда физикавий аломатлар ёки белгиларга эга ҳар қандай нарса ашёвий далил деб эътироф этилиши;

мазкур банднинг “а” кичик бандида жиноят қуроли – ашёвий далил деб эътироф этилган, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар (*масалан, одам ўлдириш қуроллари, қимматликларни талон-тороғ қилиш ёки эгаллашда восита бўлган нарсалар, ўқотар қурол, браконьерлик қуроллари – қопқонлар, тўрлар, сохта ҳужжат ва ҳ.к.*), шунингдек жиний мақсадга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк (*масалан, транспорт воситалари*) ашёвий далил сифатида эътироф этилиши;

9-банди иккинчи қисмининг 4-хатбошида жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа қимматликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозимлиги тушунтирилган.

Суд, иш бўйича олинган ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, икки дона “DVD-R” дискни жиноят ишига кўшиб сақлашни ҳамда “Samsung A31” русумли қўл телефони давлат эгалигига ўтказишни лозим топади.

Шунингдек, суд Идиев Бехруз Истам ўғлини барча ижтимоий тармоқлардаги “Behruzjan” номи билан очилган ижтимоий тармоқ профилларини ва бошқа ижтимоий тармоқ профилларини блоклаш юзасидан ҳукмнинг мазкур қисмини ижро этиш учун ДХХ Навоий вилояти бошқармасига юборишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>, 498-500, 504<sup>2</sup>-моддаларига мувофиқ, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи **Идиев Бехруз Истам ўғли (Idiyev Behruz Istam o'g'li)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга ушбу модда билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек, иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй жойидан, яъни Қизилтепа тумани, “Работ” МФЙ, “Манзилобод” кўчаси, 345-уйдан чиқишни чеклашдан иборат бўлган озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Б.Идиевнинг зиммасига озодликни чеклаш жазосини ўташи давомида Қизилтепа туман ИИБнинг розилигисиз яшаш жойини



ўзгартирмаслик, интернетдан фойдаланмаслик, Навоий вилоят худудидан ташқарига чиқмаслик билан боғлиқ қўшимча тақиқлар юклатилсин.

Судланувчи Б.Идиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (*чекловлар*)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Жазони ижро этиш Қизилтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Озодликни чеклаш муддати судланувчи Б.Идиев Қизилтепа туман ИИБ Пробациясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач гаровга қўйилган “Invest Finance Bank” АЖ Навоий вилоят филиали депозит ҳисоб рақамида қўйилган 7.500.000 сўм пул маблағи судланувчи Б.Идиевга қайтарилсин.

Идиев Беҳруз Истам ўғлини барча ижтимоий тармоқлардаги “Behruzjan” номи билан очилган ижтимоий тармоқ профилларини ва бошқа ижтимоий тармоқ профилларини блоклаш юзасидан ҳукмнинг мазкур қисмини ижро этиш учун ДХХ Навоий вилояти бошқармасига хабар берилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона “DVD-R” дисклар жиноят ишига қўшиб сақлансин ҳамда “Samsung A31” русумли қўл телефони давлат эғалигига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

*Ҳукм нусхаси аслига тўғри*

*Раислик қилувчи судья:*

**ИМЗО**

**А.Авезов**

*А.Авезов*

**Маъсул судья: Авезов Адиз Муродбекович**

